



## **О‘ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI NAMANGAN VILOYATI HOKIMINING QARORI**

**Namangan sh. Istiqlol ko‘chasi 57.**

2022 йил «19» март

180-6-0-Q/22

Наманган вилояти ҳокимлиги

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Гимнастика бўйича Оксана Чусовитина спорт маҳорати мактабини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 14 мартдаги ПҚ–163-сон қарори ижроси ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Гимнастика бўйича Оксана Чусовитина спорт маҳорати мактабини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 14 мартдаги ПҚ–163-сон қарорини вилоятда ижросини таъминлаш мақсадида, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6 ва 25-моддаларига асосан,

### **ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Гимнастика бўйича Оксана Чусовитина спорт маҳорати мактабини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 14 мартдаги ПҚ–163-сон қарори асос ва амалда бажариш учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур қарори билан:

Спортни ривожлантириш вазирлиги тизимида Гимнастика бўйича Оксана Чусовитина спорт маҳорати мактаби (кейинги ўринларда – гимнастика мактаби) ташкил этилганлиги;

белгилаб қўйилишча:

гимнастика мактаби ўз фаолиятини Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 2 июндаги “Спорт турлари бўйича ихтисослаштирилган давлат мактаб-интернатлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги 410-сон қарорида белгиланган тартибга мувофиқ амалга ошириши, шу жумладан юридик шахс мақомига эга бўлган ихтисослаштирилган умумтаълим давлат спорт-таълим муассасаси ҳисобланиши;

гимнастика мактаби ўз фаолиятини 2022/2023 ўқув йилидан бошлаши;

гимнастика мактаби ўқувчиларининг умумий контингенти жами 165 нафарни ташкил этиб, улар 1-11-синф ўқувчиларидан иборат бўлиши;

гимнастика мактаби ўқувчиларини умумтаълим дастурлари бўйича ўқитиш уларга энг яқин жойлашган умумий ўрта таълим мактабларида амалга оширилиши;

гимнастика мактаби ўқувчиларини яшаш учун жиҳозлар, суткалик озиқ-овқат нормаси, спорт кийим-боши ва анжомлари, форма билан таъминлашда олий маҳорат спорт мактабларининг нормативлари татбиқ этилиши;

гимнастика мактаби ўқувчиларини текин (имтиёзли) овқатлантириш харажатларини қисман қоплаш учун ота-оналар тўлови ундирилмаслиги ҳамда ўқувчилар тўлиқ Давлат бюджета маблағлари ҳисобидан озиқ-овқат билан таъминланиши;

гимнастика мактаби директори, унинг ўринбосарлари, тренер-ўқитувчилар, йўриқчи-услугчилар, тарбиячилар меҳнатига ҳақ тўлаш ҳамда мактаб директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари ва тарбиячилар меҳнатини рағбатлантириш Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 21 декабрдаги “Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида”ги 275-сон қарорига мувофиқ;

гимнастика мактаби директори, унинг ўқув ва спорт ишлари бўйича ўринбосари, тренер-ўқитувчилар, йўриқчи-услугчилар, тиббиёт ходимлари меҳнатини рағбатлантириш Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 23 сентябрдаги “Спорт мактаблари фаолиятини ҳамда спорт мактаблари тренерлари ва мутахассислари меҳнатини моддий рағбатлантириш тизимини

янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 211-сон қарорига мувофиқ;

гимнастика мактаби тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 21 декабрдаги “Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида”ги 276-сон қарорига мувофиқ амалга оширилиши эътиборга олинсин.

3. Ушбу қарор ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб вилоят Спортни ривожлантириш бош бошқармаси (А.Туйчиев) белгилансин.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари Б.Нуритдинов зиммасига юклансин.

**Viloyat hokimi**



**Sh.Abdurazakov**